

**«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДМ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/30.12.2019.GM.40.01.  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**«Ҳ.М.АБДУЛЛАЕВ НОМИДАГИ ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА  
ИНСТИТУТИ» ДМ**

**ЮСУПОВ АБДИСАЛИМ БОБОМУРОД ЎҒЛИ**

**ПЕСЧАНОЕ ВА ТАУШАН КОНЛАРИ ОЛТИН  
МАЪДАНЛАРИНИНГ МИНЕРАЛОГИЯСИ (МАРКАЗИЙ  
ҚИЗИЛҚУМ)**

**04.00.08 – Минералогия. Кристаллография.**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ  
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Юсупов Абдисалим Бобомурод ўғли**

Песчаное ва Таушан конлари олтин маъданларининг  
минералогияси (Марказий Қизилқум) ..... 3

**Юсупов Абдисалим Бобомурод угли**

Минералогия золотых руд месторождений Песчаное и Таушан  
(Центральные Кызылкумы) ..... 21

**Yusupov Abdisalim Bobomurod ugli**

Mineralogy of gold ores of the Peschanoe and Taushan deposits ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДМ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/30.12.2019.GM.40.01.  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**«Ҳ.М.АБДУЛЛАЕВ НОМИДАГИ ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА  
ИНСТИТУТИ» ДМ**

**ЮСУПОВ АБДИСАЛИМ БОБОМУРОД ЎҒЛИ**

**ПЕСЧАНОЕ ВА ТАУШАН КОНЛАРИ ОЛТИН  
МАЪДАНЛАРИНИНГ МИНЕРАЛОГИЯСИ (МАРКАЗИЙ  
ҚИЗИЛҚУМ)**

**04.00.08 – Минералогия. Кристаллография.**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ  
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.4.PhD/GM209 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертацияси «Х.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти» Давлат муассасасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.mridm.uz](http://www.mridm.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Карабаев Маматхан Садирович**  
геология-минералогия фанлари доктори,  
профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мамарозиков Усмонжон Довронович**  
геология-минералогия фанлари доктори

**Тангиров Абдимутал Исамитдинович**  
геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**«Ўзбек геология кидирув» АЖ**

Диссертация химояси «Минерал ресурслар институти» ДМ ҳузуридаги DSc.24/30.12.2019.GM.40.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2025 йил «7» 02 соат 14<sup>30</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100064, Тошкент ш., Олимлар кўчаси, 64. Тел. (99871) 209-08-93; e-mail: [info@mridm.uz](mailto:info@mridm.uz), [grniiimr@exat.uz](mailto:grniiimr@exat.uz)).

Диссертация билан «Минерал ресурслар институти» ДМнинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (343 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100064, Тошкент ш., Олимлар кўчаси 64-уй. Тел: (99871) 209-08-93).

Диссертация автореферати 2025 йил «03» 01 кuni тарқатилди.  
(2025 йил «09» январдаги 20 рақамли реестр баённомаси).



**М.У. Исоқов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д.

**С.С. Сайитов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий  
кенгаш илмий котиби, г.-м.ф. фалсафа доктори (PhD).

**М.М. Пирназаров**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, г.-м.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон амалиётида фойдали қазилма конларидаги маъданларнинг моддий таркиби, компонентларнинг учраш шаклларини ўрганиш, ҳамда улардаги асосий минералларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади. Жаҳондаги йирик конлар бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу каби тадқиқот натижалари маълум конларнинг маъдан хомашёсидан самарали фойдаланиш, янги ва ноанъанавий турдаги маъданларни башорат қилишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда олиб борилаётган илмий тадқиқотларда турли хилдаги маъданли, жумладан олтин конларининг моддий таркибини, фойдали компонентларнинг учраш шаклларини ҳамда жойлашув қонуниятларини ўрганиш, маъданларни бойитишнинг замонавий усулларини жалб қилиш, асосий компонентлар билан бир қаторда, ҳамроҳ элементларни ҳам ажратиб олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўз навбатида, ҳозирги кундаги янги тадқиқот майдонларида ва қазиб олишга тайёрланаётган конларда замонавий юқори аниқликдаги аналитик ва техник воситалардан фойдаланиш, махсус дастурий таъминотлар ёрдамида маълумотларга ишлов бериш кўрсатилган масалалар ечимида муҳим аҳамият касб этади.

Республикада олтинга истикболли янги майдонларни башорат қилиш ва излаб топишга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мустақаллик йилларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида ўнлаб янги олтин конлари ва майдонлари аниқланди (Биринчи сентябрь, Ажибугут, Пистали, Чуқуркудук, Лолазор, Шохетов-Узункудук, Болакарак в.х.). Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида «.....Иқтисодиёт учун зарур минерал хом ашё базасини кенгайтириш.....»<sup>1</sup> бўйича вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, Марказий Қизилқумда жойлашган олтин конларининг маъданлашуви, уларнинг минералогияси, фойдали компонентларнинг учраш шакллари ва геохимиясини аниқлашга қаратилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон фармонида, 2018 йил 1 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3578-сон, 2021 йил 21 апрелдаги «Геология соҳага инвестицияларни фаол жалб этиш, тармоқ корхоналарини трансформация қилиш ва республика минерал хомашё базасини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5083-сон ва 2022 йил 3 августдаги «Маҳаллий минерал хомашё ресурслари асосида юқори

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ – 60-сон Фармони.

технологик металллар ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-343-сонли қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VIII «Ер тўғрисидаги фанлар» (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш) устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Олтин конларининг моддий таркиби ҳамда улардаги фойдали компонентларнинг учраш шакллари ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи давлатлари АҚШ, Россия, Хитой, Австралия ва бошқа мамлакатлар илмий марказлари ва олий таълим муассасалари томонидан ўтказилмоқда. Ўзбекистонда олтин маъданларининг минералогияси ва моддий таркиблари турли йилларда А.С.Уклонский, С.Т.Бадалов, И.Ҳ.Ҳамрабаев, Х.Р.Рахматуллаев, И.М.Голованов, А.А.Рубанов, Э.Б.Бертман, А.А.Малахов, Н.И.Поздняков, Р.П.Бадалова, Э.А.Дунин-Барковская, В.Н.Ушаков, Р.И.Конеев, Б.А.Исаходжаев, А.Х.Туресебеков, В.Д.Цой, М.С.Карабаев, С.М.Колоскова, М.М.Пирназаров, У.Д.Мамарозиков, М.А.Ким, Р.А.Халматов, С.С.Сайитов ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Шу кунга қадар Ауминзатов ва Қулжуктов тоғларида кенг қамровли илмий тадқиқотлар ўтказилганига қарамасдан, олтин маъданлашувининг минерал таркиби хусусида қатор муаммолар мавжуд. Ҳудуддаги олтин конларининг жойлашиш шароитларини, маъданлар ва қамровчи тоғ жинсларининг моддий таркибини, минералогик тавсифи ҳамда фойдали компонентларнинг учраш шакллари замонавий лаборатория ва статистик таҳлил усуллари ёрдамида аниқлаш бўйича қўшимча илмий изланишларни олиб бориш маълум маънода мазкур масалалар ечимига хизмат қилади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти «Ҳ.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизик институти» ДМ илмий-тадқиқот режасининг 3/2021-сонли «Маъданларнинг технологик хусусиятлари ва геологик саноат турларини аниқлаш учун Марказий Қизилқум турли хил маъданлашувларнинг микроминералогик ассоциациялари ва геологик-геокимёвий параметрларини ўрганиш» (2021-2022) ва 12/2020-сонли «Марказий Қизилқум маъдан-магматик тизимларининг ҳосил бўлиш ва жойлашув омиллари яширин маъданлашувни башоратлаш асоси сифатида» (2020-2025) хўжалик шартномалари бўйича бажарилган амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Песчаное ва Таушан конларидаги олтин маъданлашувининг моддий таркиби, минерал парагенезислари ва улардаги асосий минералларнинг типоморф хусусиятларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

Песчаное ва Таушан конларидаги эндоген олтин маъданлашувининг минерал таркибини аниқлаш;

олтин маъданлашувини ташкил қилувчи маҳсулдор минерал парагенезисларни ажратиш;

асосий маъданли минералларнинг типоморф хусусиятларини ўрганиш ва фойдали компонентларнинг микроминерал ва бошқа учраш шакллари тадқиқ қилиш;

асосий ва ҳамроҳ элементларнинг маъданлардаги тарқалишининг геохимёвий хусусиятларини аниқлаш;

Таушан ва Песчаное конларининг минералогияси ва геохимёсини ўзаро таққослаб таҳлил қилиш ва олтин маъданлашувининг кидирув-башоратлаш меъзонларини ажратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Марказий Қизилқумда жойлашган Песчаное ва Таушан олтин конлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** Песчаное ва Таушан конларининг олтин маъданлашуви, уларнинг минералогияси, фойдали компонентларнинг учраш шакллари ва геохимёси ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларда анъанавий геологик-минералогик усуллар (геологик маршрутлар, петрографик-минералогик кесмалар ўтиш, батафсил геологик кузатув нуқталарини тавсифлаш, намуналар олиш), юқори аниқликга эга бўлган замонавий минералогик таҳлил усуллари (тоғ жинсларининг минерал таркиби шаффоф ва силлиқланган шлифлар тавсифи бўйича “Nikon ECLIPSE LV100N POL” электрон микроскопларида ҳамда микроминералларнинг кимёвий таркиби ва учраш шакллари JXA-8800R Jeol “Superprobe” микрозондида, кимёвий элементларнинг микдори масс-спектрометр ICP-MS AGILENT 7500 CX таҳлиллари ёрдамида аниқланган), маълумотларни таҳлил қилишда замонавий компьютер дастурларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Песчаное ва Таушан конларидаги олтин маъданлашувининг минералогик хусусиятлари аниқланган ва уларнинг маҳсулдор минерал ассоциациялари ажратилган;

минерал таркиби ва уларнинг типоморф хусусиятларига кўра Таушан кони маъданлашуви маъдан ҳосил бўлишининг нисбатан эрта, Песчаное кони эса - ўрта ва кечки босқичларига хос эканлиги аниқланган;

илк бор Песчаное ва Таушан конларининг олтин маъданлари таркибида ушбу конлар учун бир қатор янги минераллар аниқланиб, уларнинг ўзига хос белгилари ажратилган;

маъданларда олтин ва унга ҳамроҳ элементларнинг геохимёвий тарқалиш хусусиятлари ҳамда минералогик таркиблари ўзаро таққосланиб олтин маъданлашувининг қидирув белгилари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагидан иборат:

Песчаное конида олтин-пирит-арсенопиритли, камроқ кварц-карбонат-кумуш-сульфосолли ва Таушан конида олтин-пирит-

арсенопирит-кварцли ҳамда олтин-кварц-висмутли парагенетик минерал ассоциацияларининг асосий маҳсулдорлиги аниқланган;

тадқиқ қилинаётган конлар маъданларининг макро- ва микроминерал таркиби, асосий минералларнинг морфологик, типокимёвий хусусиятлари ва фойдали компонентларнинг учраш шакллари аниқланган;

ўрганилган конларнинг ҳосил бўлиш шароитларига хос бўлган типоморф минераллар ва маъданларнинг геологик саноат турлари ажратилган;

Тадқиқот объектларига ёндош ҳудудларда маъданлашувнинг шаклланиш қонуниятларини аниқлаш ва янги истиқболли майдонлар ажратиш учун минералогик-геокимёвий қидирув белгилари мажмуаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотлар натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги 12 км.дан ортиқ геологик маршрутлар, 46 та батафсил геологик-кузатув нуқталари, 1400 м. дан ортиқ структуравий-литологик ва 1600 м. минералогик кесмаларга, «Ўзстандарт» агентлиги аттестациясидан ўтган лабораториялардан олинган микрозонд, масс-спектрометр, минералогик (42 шлиф ва 56 аншлиф) таҳлиллар натижаларига асосланади.

**Тадқиқотлар натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти - олтинга маҳсулдор бўлган минерал ассоциацияларнинг хусусиятлари, олтиннинг геокимёвий боғланишлари, унинг учраш шакллари, типоморф минераллар ва уларнинг ўзига хос белгилари олтин маъданлашувининг ҳосил бўлиш қонуниятларини аниқлаш ва уларни башорат қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ауминзатов ва Қулжуктовдаги олтин маъданлашувининг минералогик-геокимёвий қидирув-башоратлаш меъзонлари мажмуини ажратишдан иборат.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Песчаное ва Таушан конларининг олтин маъданлашувининг минералогияси бўйича олинган натижалар асосида:

Қулжуктов ва Ауминза тоғларидаги Таушан ва Песчаное конлари олтин маъданлари макро- ва микроминерал таркиби, турлари ва минерал парагенезислари бўйича хулосалар “Ўзбек геология қидирув” АЖ амалиётига жорий қилинган (Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2024 йил 12-мартдаги 08-0923-сон маълумотномаси). Натижада, қидирув ишларида маъдан турларининг батафсил минерал таркибини аниқлашга имкон берган;

Песчаное ва Таушан конлари маъданлашув зоналарида олтин ва унга ҳамроҳ элементларнинг учраш шакллари ва тарқалиш хусусиятлари бўйича хулосалар “Ўзбек геология қидирув” АЖ амалиётига жорий қилинган (Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2024 йил 12-мартдаги 08-0923-сон маълумотномаси). Натижада, олтин маъданларини турларга ажратишда ва улар намоён бўлган майдонлар чегараларига аниқлик киритиш имконини берган;

тадқиқот майдонларида ажратилган минералогик ва геохимёвий қидирув-башоратлаш белгилари тўплами “Ўзбек геология қидирув” АЖ амалиётига жорий қилинган (Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2024 йил 12-мартдаги 08-0923-сон маълумотномаси). Натижада, Қулжуктов ва Ауминза тоғларида олиб борилаётган қидирув ишлари амалиётида олтин маъданлашувига истиқболли майдонларни аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 3 та Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан 7 таси республикада, 2 таси хорижда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 139 бет, 38 та жадвал ва 53 та расмдан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш қисмида** олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, мақсад ва вазифалари асосланган, тадқиқот объектлари ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилиб, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг **“Қулжуктов ва Ауминза тоғлари ҳудудининг ўрганилиш ҳолати ва геологик тузилиши”** деб номланган биринчи бобида Қулжуктов ва Ауминза тоғлари ҳудудида муаммонинг ўрганилиш ҳолати ва геологик тузилишига оид маълумотлар ўз аксини топган.

Ҳудуднинг геологик ўрганилиш тарихида тоғ жинслари ва маъданларнинг моддий таркибини аниқлаш бўйича И.Ҳ.Ҳамрабаев, Ҳ.Н.Боймухаммедов, К.Л.Бабаев, Я.Б.Айсанов, А.К.Каюмов, А.Мусаев, Л.З.Палей, Р.П.Бадалова, Н.И.Позняков, А.А.Тазеев, В.А.Ведерников, М.М.Семенов, Е.Л.Спиридонов, Г.И.Журавлёв, В.В.Шкарупа, Ю.Ф.Баскаков, В.И.Смирнов, А.К.Бухарин, Т.И.Хайрулин, З.С.Румянцева, Ю.А.Лихачёва, З.М.Абдуазимова, К.К.Пятков, А.В.Пуркин, М.Т.Хан, Д.А.Рубанов, Х.Р.Рахматуллаев, С.Н.Пак, Н.М.Пуркин, М.К.Турапов, В.Д.Цой, М.С.Карабаев, ва бошқа кўплаб тадқиқотчилар иш олиб боришган.

Қулжуктов тоғлари ва Таушан майдонидаги энг дастлабки ва тизимли геологик тадқиқотлар 1963-1983 йилларда Я.Б.Айсанов, В.Л.Эскин,

А.И.Егоровлар раҳбарлигида Қулжуктов ГТП томонидан 1: 50000 миқёсли давлат геологик тасвирлаш ишлари амалга оширилган. Натижада олтинга истиқболли бўлган майдонлар аниқланган бўлиб, Таушан ва Янгиказган шулар жумласидан (Айсанов ва бошқалар, 1972).

1973-1975 йилларда Қулжуктов тоғларининг шарқий қисмида геологик-геофизик усуллар мажмуасида умумий излаш ва Таушан конида излаш-баҳолаш ишлари олиб борилган. 1993-1996 йилларда Даугизтов ДГҚЭ томонидан Таушан ва Янгиказгон олтин конлари маъданларининг оксидланган қисмида қидирув-баҳолаш тадқиқотлари ўтказилди.

Ауминза тоғларининг геологик ўрганилишида Л.З.Палей, Р.П.Бадалова ва бошқаларнинг (1962й.) тадқиқотлари энг дастлабки ҳисобланиб, улар ҳудуддаги олтин маъданлашувининг жойлашув қонуниятлари ва аниқланиш истиқболларини кўриб чиқишган ва бир қатор (Шохетов, Ауминзатов, Шарқий Ауминзатов) башорат майдонлари ажратилган.

Н.И.Позняков, А.А.Тазеев, В.А.Ведерников, М.М.Семеновлар (1969й) томонидан Ауминза тоғларининг 1:50000 миқёсдаги геологик харитаси тузишган бўлса, Е.Л.Спиридонов, Г.И.Журавлёв ва бошқалар (1967-1971йй) ҳудуднинг геологик тузилиши ва фойдали қазилмаларини аниқлаш бўйича ишлар олиб боришган.

В.В.Шкарупа, А.А.Тазеев (1971-1975 йй.) пойдеворнинг геологик тузилишини ва унинг маъдан таркибини аниқлаш учун кенг кўламли геологик, геофизик ва геокимёвий тадқиқотлар ўтказишган.

В.И.Смирнов ва бошқалар (1991й) томонидан Песчаное кони ҳудудида ва Коспактау зонасининг ён қанотларида қимматбаҳо металлари қидирув-баҳолаш ишлари олиб борилган.

Қулжуктов тоғлари Марказий Қизилқумнинг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, геотектоник жиҳатдан Жанубий Тянь-Шан структура-формациявий зонасининг Зарафшон-Туркистон бурмаланган системасига киради. Таушан кони Қулжуктов тоғларининг марказий қисмида жойлашган. Кон чегараларини шимолдан ва шимолий-ғарбдан таушан свитасининг терриген ётқизиқларида йирик блоклар кўринишда чиқиб турган девон даври охактошлари билан, жанубда линзасимон кремнийли сланецлар ва мрамарлашган охактошлар билан чегараланган. Коннинг майдони асосан таушан свитасининг терриген жинсларидан ташкил топган. Свитанинг литологик таркиби анча ранг-баранг бўлиб, алмашилиб келувчи кумтошлар, алевролитлар, филлитли сланецлар билан тақдим этилган. Структуравий жиҳатдан Таушан кони чўзинчоқ морфологияга эга бўлган бир биридан субкенглик ва шимолий-шарқий йўналишдаги ёриқлар билан ажратилган ўзаро яқин жойлашган субпаралел бурмалар тизимидан иборат.

Ауминза тоғлари Марказий Қизилқумнинг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, геотектоник жиҳатдан Зарафшон-Туркистон бурмаланган системасига тегишли. Томезозой фундаменти таркиби юқори протерозой (ауминза ва тасказган свиталари), қуйи-ўрта палеозой

(кўрғонтов, роҳат, мурун, жингилди свиталари) - турли таркибли сланецлар, амфиболитлар, карбонатлар ва қопламали мезо-кайнозой (юра, бўр, палеоген-неоген-терриген, тўртламчи система – элювиал-пролювиал ҳосилалар) ётқизиқларидан таркиб топган. Песчаное олтин конининг геологик тузилишида куйи ва ўрта ордовик даври роҳат свитасининг турли таркибли сланецлари ва алевролитлари иштирок этади, улар қора ва яшилсимон метаалевролит, метапелит ва метақумтошларнинг навбатма-навбат қатламлашиб келишидан ташкил топган. Тектоник тузилиши жиҳатидан майдон шимолий-ғарбий йўналишдаги бурдаланиш зонасига тўғри келади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Олтин маъданлари ва маъдан қамровчи жинсларнинг минералогик тавсифи”** деб номланган бўлиб, унда тадқиқот майдонларидаги олтин маъданлари таркибидаги минераллар ҳосил бўлиш кетма-кетликлари ўрганилиб олтин маъданларининг турлари, тарқалиши ва маҳсулдор ассоциациялари ажратилган, ҳамда маъдан қамровчи жинсларнинг минералогик-петрографик тавсифи келтирилган бўлиб, уларни таърифлашда олдинги тадқиқотчиларнинг (А.В.Толоконников, В.А.Хорват, Д.А.Дорофеев, С.Я.Клемперт, Л.А.Карпова, Г.П.Пергат, Ч.Х.Арифуров, В.Ф.Проценко в.б) ишлари билан қиёсий таҳлил қилинган.

Таушан ва Песчаное конларида олтин маъданлашуви маъдан ҳосил бўлиш жараёнларининг турли босқичларида ҳосил бўлганлиги билан тавсифланади ва улар ўзаро минерал парагенезислари, маъдан шакллантирувчи маҳсулдор ассоциациялари ва типоморф минералларининг ўзига хос белгилари билан ажралиб туради.

Таушан конидаги эндоген маъданлашув маъдан ҳосил бўлишнинг эртароқ босқичларида намоён бўлган минерал парагенезислари қатнашуви билан ифодаланади ва улар олтин-нодирметалл-кварцли, олтин-кварц-висмутли, олтин-пирит-арсенопирит-кварцли, кварц-карбонат-полисульфидли ва кумуш-сульфосолли ассоциациялардан ташкил топган. Маъданлашувнинг асосий қисми олтин-пирит-арсенопирит-кварцли ассоциациялар билан боғлиқ бўлиб, асосий маъданли минераллар арсенопирит, пирит ва олтин. Кондаги эндоген маъданлашувнинг типоморф минераллари сифатида шеелит, молибденит, лёллингит, висмутин, теллуrowисмутит, соф висмут, юқори асслик даражасига эга бўлган соф олтинлар кузатилади. Ушбу минерал ассоциацияларни қамровчи жинслар турли таркибдаги сланецлар, қумтошлар, алевролитлардан ва камроқ лампрофир дайкаларидан ташкил топган.

Песчаное конидаги эндоген маъданлашув маъдан ҳосил бўлиш жараёнларининг ўрта ва кеч босқичларига хос бўлган минераллар парагенезисларининг маконда мужассам бўлиши натижасида шаклланган, улар олтин-пирит-арсенопиритли, кварц-карбонат-полисульфидли ва кварц-карбонат-кумуш-сульфосолли гидротермал ассоциациялар мажмуасидан ташкил топган. Маъданлашувнинг асосий қисми олтин-пирит-арсенопиритли, камроқ кварц-карбонат-кумуш-сульфосолли ассоциациялар билан боғлиқ. Кондаги олтин маъданларининг типоморф

минераллари сифатида арсенопирит, халькопирит, аргентит, соф кумуш, кам миқдорда электрум, антимонит, сульфотузлар, теллуридлар ва селенидлар кузатилади. Ушбу минерал ассоциацияларни қамровчи жинслар асосан углерод-слюдали, хлорит-слюдали, углерод-кремнийли сланецлар, кумтошлар ва алевролит пачкалари, кремнийли ва карбонатли жинслардан ташкил топган.


Учинчи - “**Асосий маъданли минералларнинг типоморф хусусиятлари**” деб номланган боб Таушан ва Песчаное кони олтин маъданларининг минерал таркиби, уларнинг микроминералогияси, шаклланиш ва жойлашув хусусиятлари ҳамда тадқиқот майдонида биринчи марта аниқланган минералларнинг тавсифига бағишланган.

Таушан кони маъдан қамровчи жинслари ва маъданлари таркибидаги асосий маъданли ва жинс ҳосил қилувчи минераллар тавсифланган. Асосий маъдан минераллари арсенопирит, соф олтин ва пирит, пирротин эса нисбатан камроқ тарқалган. Шунингдек антимонит, сфалерит, халькопирит, марказит, галенит, хира маъдан, молибденит, висмутин, ковеллин ва халькозин, кам миқдорда шеелит, гранат ва касситерит минераллари ҳам кузатилади.

Маъданларнинг минералогиясини ўрганиш давомида тадқиқот майдони учун биринчи марта 13 та янги минерал аниқланди, улар қуйидагилардан иборат: электрум, тетраэдрит, фрейбергит, бурнонит, гессит, Au-гессит, штюцит, петцит, теннантит, джемсонит, полибазит ва бошқалар.

Таушан кони олтин минераллашувининг иккита тури билан ифодаланади: гидротермал-метасоматик ва гиперген. Гидротермал-метасоматик туридаги олтин маъданлашуви шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари – асосан шаффоф ва оқиш кварцдаги соф олтиннинг мавжудлиги, олтин ажралмаларининг ранги ёрқин сарик, кичик ўлчамли ва изометрик, нисбатан яхлит зарралардан иборат, олтиннинг асллик даражаси 903 дан 997% гача бўлиб, олтин таркибида мис, висмут (1,77% гача) ва кумуш (9,73% гача) учрайди. Алоҳида соф олтин доналари бўйлаб нисбатан кечроқ, паст софликка эга бўлган олтиннинг ривожланиши кузатилади (1-расм).

Олтин зарралари тартибсиз, қиррали, бўлакли, томирсимон, пластинкасимон шаклларни ҳосил қилган; у соф олтин, электрум ва мисли олтиндан иборат.




1-расм. Маъданларда турли таркибли соф олтиннинг ўсишмалари. Аншлиф Т-42-1. Микрозонд таҳлили, элементларнинг растрли тарқалиши.

Оксидланиш зонасидаги соф олтин микроскопик бўлиб, юпқа шаклсиз ажралмалар, дендритлар, кўпинча ғовакли, шаклсиз тўпламлар кўринишида намоён бўлади; ушбу олтиннинг асллик даражаси 92,67 дан 95,08% гача бўлиб, кўшимча сифатида 2,24% гача темир мавжуд. Баъзан бирламчи олтин зарралари устида иккиламчи олтиннинг ривожланиши кузатилади.

*Минералларнинг типоморф хусусиятлари.* Олтин маъданлашувини жамлаган асосий типоморф минерал пирит ҳисобланади. У алоҳида кубик, пентагондодекаэдрли кристаллар, ксеноморф доналар шаклида ажралиб туради, хол-холли, занжирли, баъзан уясимон шаклли тўпламларни ҳосил қилади; маъданларда пиритнинг миқдори одатда 2-5% ва бошқа маъданли минераллар билан ассоциацияда кузатилади (2-расм).

Пиритлар морфотиپлари ўзаро таркибидаги элемент-аралашмалари бўйича фарқланади - уларда Au, Ag, Cu, Pb, Zn, Ni ва Co кўпроқ қайд этилади. Ўрганилган намуналарнинг 85-90% да сурьма мавжуд. Cu, Pb, Ni, Co доимий равишда учрайди. Au, Ag ва As нинг пиритлардаги ўртача миқдорлари мос равишда 42 г/т, 17 г/т ва 0,7% га етади. Чуқурроқ горизонтлардан олинган намуналардаги пирит таркибида Ni ва Co нинг концентрацияси ортиб боради.

Cu, Pb, Zn, қисман As концентрацияларининг ортиши тегишли минераллар таркибидаги микро кўшимчалар билан боғлиқ.



**2-расм. Пиритнинг турли хил минерал парагенезислардаги микроассоциациялари.** Микрозонд таҳлили, қайтган электронлардаги тасвир.

Арсенопирит кенг тарқалган минерал, асосан олтин-пирит-арсенопирит-кварцли ассоциация намоёндаси бўлиб, кўпроқ пирит кристаллари таркибида микрокўшимчалар кўринишида учрайди. Арсенопирит идиоморф призматик, игнасимон кўринишларда ва уларнинг комбинациялари билан ифодаланади. Уларнинг ўлчами 1 дан 3 мм гача. Арсенопиритнинг таркибида майда дисперсли олтин мавжуд; микрозонд таҳлили натижаларига кўра таркибида никел (0,14-0,38%), кобальт (0,12%) ва сурьма (0,15-0,28%) каби элементларнинг аралашмалари мавжуд.

Халькопирит кўпроқ олтин-пирит-полисульфидли, олтин-кумуш-сулфосолли ассоциацияларда пирит, сфалерит, галенит, хира маъданлар, соф кумуш, полибазит ва фрейбергитлар билан микроассоциация ҳосил қилган.

Галенит кварц-олтин-полисульфидли ассоциациясидаги пирит, арсенопирит ва кварцлар таркибида микроскопик (10 мкм гача) ўлчамли

қўшимчалар кўринишида учрайди, таркибида баъзида селен аралашмаси мавжуд. Кечки олтин-кумуш-сульфосолли ассоциациясида галенитнинг каттароқ ажралмалари пирит, сфалерит, халькопирит, хира маъдан, гессит ва олтин билан ўзаро ўсимталар ҳосил қилади.

Галенитлар таркибида кумуш (0,07-0,47%), селен (0,49-1,49%) ва сурма (0,60%) каби элементларнинг аралашмаси мавжуд (1-жадвал).

Сфалерит олтин-полисульфид ассоциацияси учун характерли минерал ҳисобланади. У пирит, халькопирит, галенит, хира маъдан, гессит ва олтин билан ўзаро ўсишмалар ҳосил қилади. Кечки олтин-сульфосолли ассоциациясида у асосан сульфосоллар (буланжерит, джемсонит, бурнонит ва б.) билан, арсенопирит, сурьмали хира маъданлар, кумуш (тетраэдрит, фрейбергит), пирит, галенит, теллуридли ва сульфидли кумуш (гессит, аргентит) ҳамда соф олтин билан бирга учрайди.

Антимонит конда камроқ тарқалган минераллар сирасига киради. Антимонит гидротермал жараённинг яқуний маҳсулдор босқичида шаклланган олтин-кумуш-сульфосолли ассоциациядаги пирит билан бирга учрайди ва чўзинчоқ кристалларни ҳосил қилади. Антимонит таркибида кумуш (0,41%) миқдори юқорироқ.

1-жадвал

**Микрозонд таҳлили натижаларига кўра Таушан конидаги сульфид ва сульфосолларнинг кимёвий таркиби (%)**

№ п/п	Минерал	Элементлар миқдорида								
		Ag	Fe	As	Cu	Zn	Pb	Se	Sb	S
1	Антимонит Sb <sub>2</sub> S <sub>3</sub>	-	0,42	-	-	-	-	-	72,18	27,67
2		-	0,47	-	-	-	-	-	71,38	28,91
3		0,41	-	-	-	-	-	-	71,02	28,06
4		-	0,90	-	-	-	-	-	70,87	28,20
5	Галенит PbS	-	0,26	-	-	-	84,07	0,92	-	14,72
6		-	0,81	-	-	-	84,09	0,75	-	14,40
7		-	0,1	-	-	-	85,17	1,49	-	13,13
8		-	0,84	-	-	-	86,90	-	-	14,21
9		0,07	0,82	-	0,27	0,99	84,10	-	0,60	13,03
10		0,47	0,92	-	-	-	84,10	0,60	-	13,70
11	0,25	0,94	-	-	-	84,60	0,49	-	13,27	
12	Халькопирит CuFeS <sub>2</sub>	-	30,26	-	34,27	-	-	-	-	35,90
13		-	30,71	-	34,10	-	-	-	-	36,08
14	Тетраэдрит Cu <sub>12</sub> Sb <sub>4</sub> S <sub>13</sub>	2,90	0,67	3,22	36,83	7,39	-	-	23,09	25,81
15		2,12	1,10	1,67	35,1	6,74	-	-	26,48	25,54
16		5,15	0,96	4,69	34,50	5,78	-	-	25,14	24,10
17	Сфалерит, ZnS	-	-	-	-	66,69	-	-	-	33,27
18		-	0,08	-	-	67,65	-	-	-	32,48
19	Акантит, Ag <sub>2</sub> S	87,26	0,41	-	-	-	-	-	-	12,23
20		87,24	0,22	-	-	-	-	-	-	12,27
21	Буланжерит Pb <sub>5</sub> Sb <sub>4</sub> S <sub>11</sub>	-	0,30	-	-	-	58,21	-	20,87	20,17
22		-	0,44	-	-	-	58,35	-	20,80	20,36

Хира маъдан минераллари пирит ва халькопирит билан ассоциацияда алоҳида доначалар ҳосил қилади. Маъданлашувнинг эртароқ босқичи учун

хира маъданли минераллардан теннантит характерли ҳисобланади. Теннантитнинг микродоналари пирит таркибида микроскопик қўшимчалар (5-7 мкм) шаклида учрайди. Энг сўнги, паст ҳароратли олтин-сульфосол-антимонитли босқичидаги хира маъданлар асосан кумушли тетраэдритлар ва камроқ фрейбергитлар билан ассоциация ҳосил қилган. Тетраэдритнинг таркибида рухнинг миқдори (5,78-7,39%) юқори бўлиб бу Zn-тетраэдритга мос келади.

Теллуридлардан гессит, штюцит, петцит ҳамда Au-гессит минераллари тарқалган. Гессит кўпинча пирит, сфалерит ва хира маъданлар билан ассоциацияда кузатилади. Микро ўлчамли олтиннинг томирчалари бўлган гессит минераллари пирит таркибидаги қўшимчалар ёки кварц-адулярли матрицадаги алоҳида доналар сифатида мавжуд.

Петцит таркибида 31,63% гача, Au-гессит таркибида эса 20,28% гача олтин мавжуд (2-жадвал).

2-жадвал

**Микрозонд таҳлили натижаларига кўра Таушан конидаги теллуридлар ва селенидларнинг кимёвий таркиби (%)**

№ п/п	Минерал	Элементлар миқдориди						
		Au	Ag	Te	Se	Pb	Fe	S
1	Гессит Ag <sub>2</sub> Te	-	61,46	38,35	-	-	0,13	0,16
2		-	62,11	37,59	-	-	0,11	0,19
3		-	61,60	36,95	-	-	0,86	0,59
4		-	62,10	36,45	-	-	0,86	0,59
5	Штюцит Ag <sub>7</sub> Te <sub>4</sub>	-	57,84	42,03	-	-	-	0,13
6	Ag-Se галенит (Pb,Ag)(S,Se)	-	8,33	0,37	15,41	68,40	0,69	6,81
7		-	7,18	0,42	14,19	69,98	0,95	7,19
8	Se-галенит Pb(S,Se)	-	0,60	-	5,60	82,49	-	10,52
9		-	0,18	-	1,83	83,84	-	12,23
10	Петцит Ag <sub>3</sub> AuTe <sub>2</sub>	31,63	38,62	29,06	-	-	0,12	0,31
11		31,23	42,15	26,12	-	-	0,05	0,44
12		29,54	41,17	28,36	-	-	0,61	-
13	Au-гессит (Ag,Au) <sub>2</sub> Te	20,28	46,84	33,72	-	-	0,74	0,42

Песчаное конида 56 та маъдан ва номаъдан минераллар тавсифланган бўлиб, улардан 19 таси кон учун илк бор аниқланган. Маъданларда кенг тарқалган минераллар сирасига пирит, арсенопирит, камроқ халькопирит, сфалерит, галенит ва улардан ҳам кам учровчи соф олтин, кумуш, теллурид ва селенидлар кузатилади.


Олтин асосан, сульфидли минералларда дисперс аралашмалар сифатида (бирламчи) ва оксидланиш зоналарида соф ҳолатда (оксидланган) учрайди. Камроқ соф олтин кечки сульфид-сульфосолли ассоциациясида кузатилади. Бунда олтин зарралари ўлчами 2-4 мкм бўлган жуда кичик, изометрик шаклда учрайди (3а-расм). Олтиннинг асллик даражаси 586 - 622% гача бўлиб таркибига кўра электрумга тўғри келади. Қўшимча сифатида 3,89-6,23% мис, 0,34-0,51% рух ва 1,56-2,06% селен мавжуд (3-жадвал).

Оксидланган маъданлардаги олтин ўлчами 5-20 мкм бўлган юмалоқ, тартибсиз шаклли доначалар ҳосил қилади (3б,в-расм). Олтиннинг асллик даражаси 612 дан 990‰ гача. Олтин зарралари соф ҳолатда, кумушнинг нотекис тақсимланган аралашмалари билан бирга учрайди. Оксидланиш зонасидаги олтин зарраларининг асллик даражаси 612-989‰, қўшимча сифатида 38,14-38,37% кумуш, 1,41% гача темир, 0,28 гача мис мавжуд.

3-жадвал

**Электрон микронзонд таҳлили натижаларига кўра сульфид-сульфосолли ассоциациядаги соф олтиннинг (электрум) таркиби (%)**

№ п/п	№ проб	Минераллар ассоциацияси	Доналар ўлчами, мкм	Элементлар миқдори					
				Au	Ag	Fe	Cu	Zn	Se
1	П-7а	Кварц, карбонат	2	58,62	34,13	0,14	6,23	0,34	1,56
2	П-6-4	пирит, сфалерит сульфосоллар	2	62,24	31,30	-	3,89	0,51	2,06



**3-расм. Сульфид-сульфосолли (а-бирламчи) ва гетит-гидрогетитли (б-оксидланган) ассоциациялардаги соф олтиннинг ажралиш шакллари.**

Бирламчи маъданларда кумуш - соф кумуш, аргентит, кумуш теллуридлари (гессит, штютцит, петцит) шаклида учрайди; кумуш - гессит, сфалерит ва штютцит билан микроассоциация ҳосил қилган, таркибида олтиннинг миқдори 8,32% ни ташкил қилади. Олтин зарраларида кумушнинг миқдори 29,95-31% ни ташкил қилади.

Пирит кондаги асосий маъданли минерал бўлиб, у сульфидларнинг 90-95% ни ташкил қилади; қуйидаги пирит турлари ажратилган: метаморфоген (қамровчи тоғ жинсларида тартибсиз жойлашган майда доналар ва тўпламлар ҳолида учрайди, ўлчами 0,002-0,04 мм; таркибида V, Cr, Ni, Co аралашмалари юқорирок) ва гидротермал (пирит - 2-4). Гидротермал пиритлар ўзаро минерал ассоциациялари, морфологик хусусиятлари ва қўшимта элементлар мажмуалари ва уларнинг миқдорлари билан фарқланади.

Арсенопирит асосий типоморф минераллардан ҳисобланади, икки генерацияси ажратилган. Арсенопирит-1 идиоморф кристалли нотекис тарқалган доналар кўринишида ривожланган; арсенопирит-2 майда заррали, игнасимон агрегатларни ҳосил қилган; Ni-арсенопирит кузатилади, таркибида мис (0,1-0,18%), сурьма (0,15-0,33%), кумуш (0,16-0,22%) ва селен (0,20-0,24%) аралашмалари мавжуд. Арсенопирит-1

таркибида кобальтнинг миқдори никельга нисбатан кўп, арсенопирит-2 да эса никелники юқори.

Халькопирит асосан кварц-карбонат-полисульфидли ассоциация таркибида учрайди, шакли изометрик (0,1-0,2 мм гача). Таркибида рух, кумуш (0,22-0,33%), селен (0,04%) ва никель (0,28%) кузатилади.

Галенит кўпроқ карбонат-сульфид-сульфосол парагенезисда кузатилади, майда донали (0,001-0,01 мм) сфалерит билан чамбарчас боғлиқ; кўпроқ пирит-4 таркибида қўшимчалар сифатида кенг тарқалган бўлиб, бу ассоциацияда хилма-хил микроминераллар - Ag-галенит, сульфосоллар учрайди, баъзан галенит кўпинча аргентит билан ўсишмаларни ҳосил қилган. Галенит таркибида кумушнинг юқори миқдори аниқланган бўлиб, баъзида Ag-галенитни ҳосил қилади (5,14% кумуш).

Сфалерит кварц-карбонат-полисульфид ассоциациясига хос, овал шаклдаги ажралмалар кўринишига эга (0,005-0,01 мм); таркибида темир (2,52-3,28%) ва марганец (3,43%) миқдори юқори. Карбонат-сульфид-сульфосолли ассоциациядаги сфалеритлар таркибида мис (0,52% гача) ортади ва селен (0,10-0,22%) миқдори ортади. Мис миқдори 6,66% бўлган Cu-сфалерит аниқланди. Сфалерит таркибидаги кадмийнинг миқдори 0,14-0,87%, баъзан 1,72% гача етади ва бу пршибрамит минералига тўғри келади.

Антимонит кам тарқалган минерал. У карбонат-сульфид-сульфосолли ассоциацияда пирит, халькопирит, сфалерит, акантит ва сульфосоллар билан биргаликда учрайди, игнасимон ва чўзинчоқ (0,02-0,5 мм) кристалларни ҳосил қилади. Антимонит таркибида селен (0,22-0,34%) ва кўрғошин (0,26-0,36%) нинг юқори миқдорлари аниқланди.

Теллуридлардан гессит ва штюцит минераллари аниқланди; гессит кўпинча бошқа кумуш теллуриди - штютцит билан ассоциациялашган; таркибида селен (0,22-0,48%), кўрғошин (0,36-0,42%), мис (0,56-0,84%) аралашмалари мавжуд (4-жадвал).

4-жадвал

**Электрон микрозонд таҳлили натижаларига кўра селенидлар ва теллуридларнинг таркиби**

№ п/п	Нам. №	Минерал	Минерал ассоциация	Элементлар миқдори % да						
				S	Fe	Se	Ag	Te	Pb	Cu
1	П-7а	Клаусталит	Уранинит, карбонат	1,78	2,99	25,23	0,07	0,03	69,89	
2	П-7			2,10	3,71	25,77	0,06		68,36	
3	П-7в-6	Гессит	Штютцит Сфалерит соф кумуш	2,32	1,14	0,36	61,96	33,54	0,10	0,56
4	П-7в-5			1,94	1,72	0,42	62,78	32,12	0,18	0,84
5	П-7в			1,42	0,86	0,28	65,84	32,28	0,32	0,30
6	П-7в-4	Штютцит		0,34		0,18	56,63	43,03		
7	П-7в-1			0,21		0,14	56,67	43,18		
8	П-7б		Галенит	0,16		0,24	54,36	44,12	1,12	
9	П-7в	Соф кумуш	Штютцит Сфалерит гессит	Sb= 0,84	Zn= 0,38	1,24	88,3	0,92		Au= 8,32

Хира маъданлардан тетраэдрит ва унинг тури - фрейбергит мавжуд бўлиб, улар пиритда 2-3 микрон катталиқдаги ажралмалар кўшимталар

шаклида учрайди, камроқ бошқа сульфидлар билан ўзаро ўсишмалар ҳосил қилади (2-3 микрон). Ушбу ассоциацияда уранинитнинг кўп миқдордаги ингичка ажралмалари билан бирга, ноёб Ag, Cu, S-сульфосоллар ва Se-маккинстрит аниқланди. Тетраэдритнинг таркибида рухнинг миқдори юқори (5,08-5,37%), бу Zn-тетраэдритга мос келади. Кумуш миқдори (12,32%) юқори бўлган тетраэдрит фрейбергитга тегишли.

**“Маъданларда асосий ва ҳамроҳ элементларнинг тарқалиш хусусиятлари”** номли тўртинчи боб Таушан ва Песчаное конларидаги асосий ва ҳамроҳ элементларнинг тарқалиш хусусиятларига бағишланган.

Таушан конида олтиннинг юқори миқдорлари турли тоғ жинсларининг томирли кварцлашув зоналарига (7,49 г/т) тўғри келади; шу билан бирга метаалевролитларга (0,96 г/т) қараганда кумтошларда (2,1 г/т) олтин миқдори юқорироқ эканлиги аниқланди (5-жадвал).

5-жадвал

**Таушан кони маъданли зоналаридан олинган турли хил тоғ жинслари таркибидаги элементларнинг кларк концентрацияси (ICP-MS натижалари асосида, г/т)**

Элементлар	Cu	Zn	As	Se	Mo	Ag	Sn	Sb	Te	W	Pt	Au	Pb	Bi	Th	U	
Кларк	53,0	68,0	1,8	0,07	1,2	0,07	2,3	0,3	0,003	1,40	0,006	0,0035	13,0	0,19	10,0	2,6	
1	Ўртача	48,05	64,12	2139,24	3,96	5,79	0,45	2,21	32,96	0,12	6,67	0,00	2,17	33,31	3,10	6,21	3,78
	К.к.*	0,91	0,94	1188,47	54,20	4,82	6,14	0,96	109,88	40,28	4,77	0,86	620,24	2,56	16,30	0,62	1,46
2	Ўртача	38,5	58,4	3437,8	4,0	6,0	0,3	2,2	41,1	0,1	7,0	0,0	2,1	15,8	3,21	6,5	4,3
	К.к.*	0,73	0,86	1909,88	54,85	5,00	4,79	0,94	137,06	39,04	5,03	0,97	604,57	1,22	16,87	0,65	1,65
3	Ўртача	26,06	56,71	1913,71	3,51	4,80	0,28	2,08	24,05	0,08	4,76	0,01	0,96	11,63	2,69	6,24	3,29
	К.к.*	0,49	0,83	1063,17	48,06	4,00	3,84	0,90	80,16	28,14	3,40	0,93	273,21	0,89	14,18	0,62	1,27
4	Ўртача	43,67	56,71	8471,63	1,51	10,83	0,31	2,60	37,67	0,16	13,57	0,01	7,49	12,84	3,91	9,67	18,05
	К.к.*	0,82	0,83	4706,46	20,67	9,03	4,25	1,13	125,58	52,93	9,70	1,02	2138,66	0,99	20,57	0,97	6,94

**Изоҳ:** 1-сланец (22 намуна), 2-кумтош (11 намуна), 3-метаалевролит (13 намуна), 4-кварц томири (14 намуна). К.к.\*-кларк концентрация (Овчинников бўйича).


Маъданлардан олинган барча намуналар бўйича ўтказилган таҳлил натижаларига кўра олтиннинг ўртача миқдори (2,6 г/т) кларкка нисбатан 745 марта юқори (Овчинников, 1990). Кумушнинг концентрация даражаси эса нисбатан пастроқ (5,41); элементларнинг ўзаро нисбати - Au/Ag=138.

Таушан конидаги маъданлашув зонасидан олинган умумий намуналардаги аҳамиятга молик бўлган маъданли элементларнинг кларк концентрацияси куйидагича: As (1803,47), Au (745,26), Sb (116,7), Se (50,48), Te (40,29), Bi (17,24), Ag (5,41), Mo (5,23), W (5,23); элементлар тўпланиш интенсивлигининг геохимёвий қатори: (As-Au-Sb-Se-Te-Bi)-Ag-Mo-W-U-Pb-Sn-Pt-Zn-Cu-Th.

Олтин билан ҳамроҳ элементларнинг ижобий корреляцион боғлиқлиги: маргимуш – 0,79, вольфрам – 0,76, молибден – 0,71; висмут – 0,64, теллур – 0,45, уран – 0,80, торий – 0,43. Кумуш эса кўрғошин (0,92) ва мис (0,85) билан кучли, рух (0,21) ва селен (0,18) билан камроқ алоқадорлик касб этган (4-расм).

Песчаное конида олтиннинг нисбатан юқори миқдорлари, асосан маъдан қамровчи тоғ жинсларининг гидротермал ўзгарган, уларнинг эзилиш зоналарига, камроқ – кварц томирлари билан боғлиқ. Олтиннинг

юқорирак миқдорлари ўзгарган ва кварцлашган кумтош ва метаалевролитларда қайд этилган, сланецларда унинг миқдори пастроқ.



4-расм. Таушан кони маъданлашув зоналаридаги олтин (а) ва кумуш (б) элементларининг ўзаро алоқадорлик гистограммалари.


Маъданли зоналарда олтиннинг кларк концентрацияси 62, кумушниги 44 га тенг; уларнинг ўзаро нисбатига кўра олтин миқдори кўпроқ ( $Au/Ag=1,5$ ). Маъданли элементларнинг кларк концентрация даражасининг нисбатан юқори қийматлари куйидагилар учун хос: Se (141,9), Te (108,28), Au (62,3), Sb (54,0), Ag (44,5), As (35,8), Mo (26,2), U (18,9); элементлар тўпланиш интенсивлигининг геохимёвий катори: (Se-Te-Au-Sb-Ag-As)-Mo-U-Pt-W-Bi-Zn-Cu-Pb-Sn-Th (6-жадвал).

6-жадвал

Песчаное кони маъданлашув зонасидаги асосий ва ҳамроҳ элементларнинг тарқалиши, кларки ва концентрация даражаси (масс-спектрометрик ICP-MS таҳлил натижалари, г/т)

Элементлар	Cu	Zn	As	Se	Mo	Ag	Sn	Sb	Te	W	Pt	Au	Pb	Bi	Th	U
Ўртача миқдори	122,93	168,83	64,44	10,36	31,47	3,25	3,20	16,20	0,32	9,17	0,04	0,22	23,68	0,87	4,82	49,03
Элементлар кларки (Овчинников, 1990)	53,0	68,0	1,80	0,073	1,2	0,073	2,30	0,3	0,003	1,4	0,006	0,0035	13,0	0,19	10,0	2,60
Кларк концентрацияси	2,32	2,48	35,8	141,93	26,23	44,54	1,39	54	108,28	6,55	6,82	62,33	1,82	4,55	0,48	18,86
Элементлар тўпланиш интенсивлигининг геохимёвий катори	<b>(Se-Te-Au-Sb-Ag-As)-Mo-U-Pt-W-Bi-Zn-Cu-Pb-Sn-Th</b>															

Олтин билан ҳамроҳ элементларнинг ижобий корреляцион боғлиқлиги: теллур – 0,58; мис – 0,44; маргимуш – 0,42; кумуш – 0,39; селен – 0,35 ва сурьма – 0,37. Кумуш эса сурьма (0,86), кўрғошин (0,65), мис (0,51) билан кучлироқ, теллур (0,47), селен (0,43) ва маргимуш (0,39) лар билан барқарор ижобий алоқадорлик касб этган (5-расм).



5-расм. Песчаное кони маъданлашув зонасидаги олтин (а) ва кумуш (б) элементларининг ўзаро алоқадорлик гистограммаси.

## ХУЛОСА

1. Таушан конида эндоген маъданлашув маъдан ҳосил бўлишининг нисбатан эртароқ жараёнларида, Песчаное кони эса уларнинг ўрта-кеч босқичларида шаклланганлиги билан тавсифланади ва улар ўзаро минерал парагенезислари, маъдан шакллантирувчи маҳсулдор ассоциациялари ва уларга хос бўлган типоморф минераллари билан ажралиб туриши аниқланган.

2. Таушан ва Песчаное конларидаги маъданлар таркибини батафсил микроминералогик тадқиқ қилиш натижасида ушбу конлар учун хос бўлган бир қатор янги минераллар аниқланган ва алоҳида минералларнинг ассоциациялари, ажралиш шакллари, морфологик, ҳамда кимёвий типоморф хусусиятлари ажратилган. Минераллардаги кўшимча-элементлар маъдан ҳосил қилувчи тизимларнинг таркибий хусусиятларини акс эттириши ва улар учун типоморф белгилари эканлиги кўрсатилган.

3. Таушан конида соф олтин юқори асслик даражасидаги (903-997%) ёрқин сариқ, изометрик зарралардан иборат бўлиб унинг таркибида мис, висмут ва кумуш учрайди, маъданлар олтин-кварцли турга мансуб; Песчаное конида олтин сульфидли минералларда дисперс аралашмалар сифатида ва кечки сульфид-сульфосолли ассоциациясида электрум (586-622%) кўринишида кузатилади, олтин зарралари жуда кичик, изометрик шаклда, таркибида мис, рух ва селен мавжуд, маъданлар олтин-кварц-сульфидли турга хослиги кўрсатилган.

4. Таушан кони олтин маъданлашув зоналарида элементларнинг тўпланиш интенсивлиги қатори (As-Au-Sb-Se-Te-Bi) дан иборат, олтин вольфрам, молибден, уран, висмут, маргимуш билан нисбатан кучли боғлиқликлар намоён қилган, Песчаное конида эса элементларнинг тўпланиш интенсивлиги қатори (Se-Te-Au-Sb-Ag-As) бўлиб, олтин маъданли зоналарда теллур, мис, маргимуш, кумуш, селен ва сурьмалар билан ижобий боғлиқликлар намоён қилганлиги аниқланган.

Олинган минералогик ва геохимёвий маълумотлар асосида алоҳида майдонлар учун олтин маъданлашувининг қидирув белгилари ишлаб чиқилган.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО  
СОВЕТА DSc.24/30.12.2019.GM.40.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ГУ «ИНСТИТУТ МИНЕРАЛЬНЫХ  
РЕСУРСОВ»**

---

**ГУ «ИНСТИТУТ ГЕОЛОГИИ И ГЕОФИЗИКИ»  
ИМ. Х.М.АБДУЛЛАЕВА»**

**ЮСУПОВ АБДИСАЛИМ БОБОМУРОД УГЛИ**

**МИНЕРАЛОГИЯ ЗОЛОТЫХ РУД МЕСТОРОЖДЕНИЙ ПЕСЧАНОЕ  
И ТАУШАН (ЦЕНТРАЛЬНЫЕ КЫЗЫЛКУМЫ)**

**04.00.08 – Минералогия. Кристаллография**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии (PhD)  
ПО ГЕОЛОГО-МИНЕРАЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент - 2025**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по геолого-минералогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № В2023.4.PhD/GM209

Диссертация выполнена в Государственном учреждении «Институте геологии и геофизики им. Х.М.Абдуллаева».

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.mridm.uz](http://www.mridm.uz)) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** **Карабаев Маматхан Садирович**  
доктор геолого-минералогических наук,  
профессор

**Официальные оппоненты:** **Мамарозиков Усмонжон Довронович**  
доктор геолого-минералогических наук  
**Тангиров Абдимутал Исамитдинович**  
доктор философии (PhD) по геолого-  
минералогическим наукам

**Ведущая организация:** **АО «Узбекгеологоразведка»**

Защита диссертации состоится «7» 02 2025 г. в 14<sup>30</sup> часов на заседании Разового Научного совета при Научном совете № DSc.24/30.12.2019.GM.40.01 при Институте минеральных ресурсов, (Адрес: 100164, г. Ташкент, ул. Олимлар, 64. Тел: (99871) 209-08-93; e-mail: [info@mridm.uz](mailto:info@mridm.uz), [gpnimr@exat.uz](mailto:gpnimr@exat.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института минеральных ресурсов (регистрационный номер №343), (Адрес: 100164, г. Ташкент, ул. Олимлар, 64. Тел: (99871) 209-08-93.

Автореферат диссертации разослан «23» 01 2025 года.  
(рестр протокола рассылки № 20 от «09» января 2025 года).



**М.У. Исоков**

Председатель разового Научного совета  
по присуждению ученых степеней, д.г.-м.н.

**С.С. Сайитов**

Секретарь разового Научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор философии (PhD) по г.-м.н.

**М.М. Пирназаров**

Председатель Научного семинара при разовом Научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.г.-м.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировой практике изучение вещественного состава, формы нахождения компонентов руд и определение специфических особенностей основных минералов месторождений полезных ископаемых имеет большое научное и практическое значение. Проведенные научные исследования на крупнейших рудных месторождениях мира, показывают, что результаты таких исследований служат важным источником в эффективном использовании минерального сырья отдельных месторождений, а также в прогнозировании новых и нетрадиционных типов руд.

В настоящее время в развитых странах уделяется особое внимание проведению научных исследований по изучению вещественного состава, формы нахождения полезных компонентов и закономерностей размещения в различных рудных, в том числе, золоторудных месторождениях, использованию современных методов для обогащения руд, извлечению наряду с основными компонентами, также и сопутствующих элементов. В свою очередь, на сегодняшний день, использование современных высокоточных аналитических и технических средств, обработка данных с помощью специальных программных обеспечений на новых площадях исследований и на месторождениях, подготавливаемых к отработке, приобретают важное значение при решении вопросов.

В республике осуществляются ряд мероприятий, направленных на поиски новых площадей перспективных на золотое оруденение. За годы независимости по результатам исследований выявлены десятки новых золоторудных месторождений и участки (Биринчи сентябрь, Аджибугут Чукуркудук, Лолазор, Шохетов-Узункудук, Болакарак и др.). В Стратегии дальнейшего развития Нового Узбекистана были намечены важные задачи, такие, как «... дальнейшее ускорение развития и совершенствование геологической отрасли...»<sup>1</sup>. В связи с этим большое значение имеют научные исследования, направленные на изучение минералогии руд, формы нахождения полезных компонентов и геохимии золоторудных месторождений, расположенных в Центральных Кызылкумах.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 г. № УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», Постановлениями Президента Республики Узбекистан от 1 марта 2018 г. № ПП-3578 «О мерах по коренному совершенствованию деятельности Государственного комитета Республики Узбекистан по геологии и минеральным ресурсам», от 21 апреля 2021 г. ПП-5083 «О дополнительных мерах по активному привлечению инвестиций в сферу геологии, трансформации предприятий отрасли и расширению минерально-сырьевой базы республики», от 3

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года УП-60 «О Новой Стратегии развития Республики Узбекистан на 2022-2026 года».

августа 2022 г. № ПП-343 «О мерах по организации производства высокотехнологичных металлов на основе местного минерального сырья», а также ряда других нормативно-правовых документов, принятых в этой сфере.

**Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики - VIII. «Науки о Земле (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)».

